Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 1-fevral, shanba № 15 (3364)

Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз.

Ислом КАРИМОВ

Наманган вилояти Она ва бола скрининг марказида болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, наслий касалликлар ва туғма нуқсонларни имкон қадар эрта аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда соғломлаштириш бўйича барча замонавий шароитлар яратилган.

Бу ерда перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда.

Суратда: Наманган вилояти Она ва бола скрининг марказида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

Диққат, танлов!

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур»

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги ҳамда Соғлом бола йили муносабати билан республика танловини эълон қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, айниқса, «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, оилада соғлом тиббий маданиятни юксалтириш, миллат генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган эзгу ишларда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Республика касаба уюшмаларининг юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, ёш оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришдаги иштироки, инсон омилига, айниқса, касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари, айниқса, фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган имтиёз ва қулайликлар, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги хайрли ишларини тарғиб этиш янги-янги ташаббусларга туртки бериши, шубҳасиз. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида ёшларни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб камол топтириш, профессионал ва замонавий кадрларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёш авлод қалби ва онгида она-юртга муҳаббат туйғуларини янада жўш урдириш, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия, спортнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш борасидаги фаолиятини кенг ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти томонидан Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги ҳамда Соғлом бола йили муносабати билан эълон қилинаётган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танлови мазмун-моҳияти ана шулардан иборат. Барча ижодкорларни танловда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Танлов шартлари

Танловга тақдим этиладиган материалларда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ибратли ишлар, шунингдек, касаба уюшмаларининг инсон манфаатлари, айниқса, мамлакат тақдирини ҳал этувчи, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиги йўлида олиб бораётган фаолият йўналишлари, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтожларга моддий ва маънавий кўмак бериш, касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда она ва болани биргаликда соғломлаштириш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини, талаба-ёшларни соғломлаштириш йўналишида амалга ошираётган ишлари, Давлат дастурларига мувофиқ меҳнат аҳли, айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, кўмакталаб инсонларга, қолаверса, «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари каби масалалар ўз аксини топиши лозим.

Бундан ташқари, Президент Фармонлари, Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, касаба уюшмалари аъзоларининг жамиятдаги фаоллигини янада юксалтириш, уюшмага аъзо бўлишга ундовчи омилларни кучайтириш каби масалалар эътиборга олиниши лозим.

Танлов икки йўналишда: профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатиб, қалам тебратаётган касаба уюшма фаоллари ўртасида ўтказилади.

Танловни ўтказиш қоидалари

Танловга 2014 йилнинг февралидан 1 декабригача чоп этилган ижодий ишлар — мақола, очерк, лавҳа ва фоторепортажлар қабул қилинади.

Материаллар босма шаклда икки қатор оралиғида, 4-8 саҳифадан иборат ҳажмда икки нусхада тақдим этилади.

Юборилган ижодий ишларда «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига деб кўрсатилиши шарт.

Ижодий ишлар муаллифи тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилиниши лозим:

- фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, журналистик фаолиятига оид қисқача маълумот;
- манзили, телефони;
- паспортга оид маълумотлари.

Материаллар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 100165, Бухоро кўчаси, 24-уй, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти.

Ғолибларни мукофотлаш:

Танлов ғолиблари иккита йўналишда, учта ўрин бўйича аниқланади.

Танлов натижалари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни эълон қилинади.

Мукофотлар 2015 йил 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни тантанали равишда топширилади.

Бугунги ёшлар

Мукофотга мос шижоат

Олимжон Тўйчиевни Турин политехника университетида танимайдиган киши йўқ. Иқтидори, яратган роботлари ҳамда университет касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши раиси сифатида жамоат ишларидаги фаоллиги билан ҳаммага ўрнак. Меҳнатлари қадр топиб, Президент фармонига асосан, бир гуруҳ ёшлар қатори «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани ҳам бежиз эмас.

Олимжон Бекобод коллежида ўқиб юрган пайтидаёқ изланувчанлиги ва истеъдоди билан ҳурмат қозонди. Университетга ўқишга киргач, фан-техника соҳасига қизиқиши янада ортди.

У таҳсил олаётган таълим даргоҳи Италиядаги Турин политехника университетида қабул қилинган таълим дастурлари ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумэътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мақсад-вазифаларига мувофиқ, машинасозлик ва электротехника саноати корхоналари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди.

— Назарий билимни шу ернинг ўзида синовдан ўтказиш, эгаллаётган ихтисослиги бўйича амалий кўникма ва тажриба орттириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди О.Тўйчиев. — Шу мақсадда университет қошида махсус лабораториялар ва технопарк ташкил этилган. Улар хориждан келтирилган компютерлар, лазерли сканер, 3D принтер, сейсмологик синов қурилмаси, двигател конструкциялари ва технологияларини, деталлар ва иншоотларни лойиҳалаштиришда асқотадиган универсал робот, замонавий токарлик ва фрезерлик дастгоҳлари, рақамли планшетлар ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Олимжон 2011 йилда университет қошида ташкил этилган Марказий Осиёда ягона Мехатроника марказида механика, электроника ва компютер технологияларини ўзида жамлаган янги техник соҳада ғояларини ҳаётга татбиқ этиб, турли техник ускуна ва мосламаларни ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Иқтисодиёт уфқлари

«Ўзбурғунефтгаз» акционерлик компаниясига қарашли Қумқўрғон туманида жойлашган «Сурхон пармалаш ишлари» акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари саъй-ҳаракати билан ҳар йили янги нефт ва газ конлари топилмоқда.

Янги конлар юрт хизматида

Ўтган йили белгиланган 9400 метр ўрнига 10,5 минг метр чуқурликда бурғулаш ишлари амалга оширилди. Шу давр мобайнида 7 та қудуқ қурилиши тугатилди. Унинг 2 таси изловқидирув, 5 таси эксплуатация қудуқларидир. Айни пайтда «Жанубий Хаудак-1», «Каштар-60», «Лалмикор-169», «Лалмикор-170», «Лалмикор-171» қудуқларидан нефт қазиб олинаяпти. Қумқўрғон тумани ҳудудида топилган «Оқжар-4» нефт қудуғи орқали ер тубидан энг сифатли битум берадиган нефт қазиб чиқарилаётгани эътиборга молик. «Миршоди-45НН», «Жанубий Миршоди-10 ОЭ», «Оқжар-5» майдонларидаги нефт қудуқларида бурғулаш ишлари давом эттирилаяпти. Бу эса келгусида ер ости бойликларини қазиб олиш ҳажми янада кўпайишидан дарак беради.

(Давоми 3-саҳифада).

Касаба уюшмалари ва миллий ғоя тарғиботи

Маънавият нафақат инсонга, балки жамиятга ҳам куч-қувват бағишлайди. Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида алоҳида таъкидланганидек, «Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларига мезондир». Зеро, ҳар қандай мамлакат қудрати унинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти, аҳолисининг сони билангина эмас, халқининг руҳи, маънавияти билан ҳам белгиланади. Жамият маънавияти юксак, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқоди бутун инсонлардан куч олиб, қувватланади.

Эзгуликдан нурафшон диллар

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан йилнинг устувор вазифалари қаторига маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, туризмни ривожлантириш каби масалаларнинг қўйилишида ўзига хос рамзий маъно бор, — дейди ЎзКУФКнинг маданий-маърифий ишлар бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова. — Зеро, олий мақсадимиз келажаги буюк мамлакатни барпо этиш экан, бу борада маданий-маърифий йўналишдаги вазифалар муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

Федерация Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 17 майдаги қарори билан «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлашда касаба уюшмаларининг ролини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар» тасдиқланиб, барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларига етказилди. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари томонидан муайян ишлар бажарилди. Жумладан, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга етказиш, миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш борасида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари»ни тизимли ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳар ойда 29 мингга яқин бошланғич ташкилотда ўтказилган «Маънавият соатлари»да 3 млн.дан ортиқ ишчи-ходим иштирок этди.

«Маънавият соатлари»да Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида» асарлари мазмун-моҳияти ва аҳамияти ўрганилди. «Маънавий ва ахлоқий тубанликка олиб борувчи «оммавий маданият» оқибатлари ва унга қарши курашиш йўллари», «Жамиятнинг маънавий юксалиши, миллий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши», «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида», «Инсонда маънавий жасоратни юзага келтирувчи маънавий фазилатлар тарбияси», «Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати: мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар» мавзулари бўйича маърузалар ташкил этилди.

Тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш мақсадида корхона, ташкилот, ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини мавзуга оид плакатлар, фотокўргазмалар, буклетлар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Федерация Кенгаши томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Маънавият» нашриёти томонидан тайёрланган «Обод турмуш — эзгу интилишларимиз самараси» номли плакатлар тўплами, «Ободлик кўнгилдан бошланади» номли тавсиялар, «Маънавият мулкига саёҳат» номли китоблар барча ташкилотларга етказилди.

Йил давомида корхона, ташкилот ва муассаса ишчи-ходимлари, талаба-ёшлар, санаторийлар ходимлари ва дам олувчилар, Федерация Кенгаши Ўқув маркази тингловчиларидан 10820 нафарининг кўргазма ва музейларга ташрифи уюштирилди. Бундай тадбирлар касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилди.

Байрамларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан касаба уюшмалари томонидан ҳарбий қисмларда, чегара ҳудудларида жойлашган ҳарбий гарнизонлар, олий ҳарбий ўқув юртларида «Юрт ҳимоясига барчамиз масъул» мавзуида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Меҳнат жамоаларида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир», «Ҳарбий ислоҳот — замонавий профессионал армиянинг асоси», «Ҳушёрлик ва сергаклик — замон талаби» мавзуларида «Маънавият соатлари», «Мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик — осойишта ҳаёт ва тараққиёт гарови» мавзуида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган «Муқаддассан аёл», «Аёл борки, олам мунаввар», «Дунёда энг азиз сиймодир аёл», «Обод юртнинг бекалари» мавзуларидаги маданий-маърифий тадбирлар, «Нафосат маликаси», «Балли, қизлар», «Эпли келин — сепли келин», «Спорт маликаси» кўрик-танловлари мингларча хотин-қизларга маънавий-руҳий қувват бахш этди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 1-fevral № 15 (3364)

Эзгуликдан нурафшон диллар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Касаба уюшмалари Андижон, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотларида хотин-қизлар комиссиялари ташаббуси билан «Ораста қизлар», «Баҳор маликалари», «Наврўз таомлари» мавзуида миллий кийимлар, миллий таомлар танловлари ва кўргазмалар ташкил этилиб, «Қадриятларни қадрлаймиз» деб номланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотларида, санаторийларда ишчи-ходимлар, талаба ёшлар иштирокида «Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз» шиори остида ўзбек халқ ўйинлари ва спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилояти ташкилотларида «Юрт келажаги — баркамол авлод қўлида», «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир» шиорлари остида енгил атлетика бўйича мусобақалар, барча вилоятлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ўтган «Спорт — саломатлик гарови» шиори остидаги спорт мусобақалари иштирокчиларда кўтаринки кайфият уйғотди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан 18 минг нафардан ортиқ «Меҳрибонлик» уйлари, «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари, ота-онасиз болалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг Ҳайвонот, Ботаника, маданият ва истироҳат боғлари, қўғирчоқ театри, цирк, музей, тарихий обидалар ҳамда хайрия концертларига бепул ташрифи уюштирилди. 200 га яқин кам таъминланган оила фарзандлари, шунингдек, таълимда юксак натижаларга эришаётган ўқувчилар ва талабалар учун республиканинг тарихий масканларига ташкил этилган саёҳатлар эса иштирокчилар қалбида Ватандан фахрланиш туйғуларини янада жўш урдирди.

Шу билан бирга, касаба уюшма ташкилотлари томонидан Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларга 65 мингдан зиёд кам таъминланган оилалар ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари учун уюштирилган саёҳатлар уларга ўзига хос ҳордиқ онларини бериши билан бирга, меҳнат унумдорлигини оширишга хисса бўлиб қўшилди.

Барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Бахтли болалик мамлакати», «Шу Ватанга бордир менинг керагим», «Озод элнинг ўғлиман, обод элнинг ўғлиман», «Ўзбекистон — ягона уйимиз», «Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир», «Она табиатни асрайлик» деб номланган адабий-мусиқий кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, турли спорт тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан меҳнат жамоаларида тарихчи олимлар, фан арбоблари, ҳуқуқ-тартибот органлари, Маънавият тарғибот маркази мутахассислари, меҳнат фахрийлари иштирокида мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқлар тўғрисида «Мустақил Ўзбекистон — менинг таянчим ва ифтихорим», «Истиқлол — миллати, тили ва динидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гаровидир», «Мустақиллик — энг аввало ҳуқуқдир» каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ҳудудларда ташкиллаштирилган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик фестивалида касаба уюшмалари фаол қатнашди. 135 мингдан зиёд ишчи-ходимлар — бадиий ҳаваскорлар иштирок этган «Санъатим менга, обод юртим» кўрик-танлови барчада олам-олам таассурот қолдирди.

Касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва тасарруфдаги ташкилотларда, меҳнат жамоаларида «Конституция — бахтимиз қомуси», «Конституциянинг мазмун-моҳияти ва унинг халқимиз ҳаётидаги роли», «Конституция — фаровонлигимиз кафолати» мавзуларида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар иштирокчилар учун ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини англаш дарсига айланиб кетди.

Корхона, ташкилот ва муассасалар балансида бўлган маданият масканларида меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари шуғулланишлари учун қулай, имтиёзли шароит яратилишида жамоа шартномалари ва келишувлари имкониятидан фойдаланилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва унинг тасарруфидаги корхоналар балансида бўлган 8 та маданият муассасасидаги 44 та тўгаракда 550 дан ортиқ ходим ва уларнинг фарзандлари фаол қатнашмоқда. Маданият саройларида йил давомида ўтган турли маданий-маърифий тадбирларда 40 мингга яқин ишчи-ходимларнинг иштироки таъминланди. Маданий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун корхоналар томонидан 2 млрд. 629 млн. сўм, касаба уюшмаларидан 491 млн. сўм маблағ ажратилди.

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ва унинг тасарруфидаги корхоналарда 7 та маданий муассаса фаолият юритаётган бўлса, улардаги 152 та бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва тўгаракларда 5 мингдан ортиқ меҳнаткашлар, шу жумладан, 2735 нафар бола шуғулланмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган 2 мингдан ортиқ тадбирда 750 мингдан зиёд меҳнаткаш ва улар фарзандларининг иштироки учун имконият яратилган.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти балансидаги «Металлург» маданият саройида 24 та бадиий жамоа ва тўгаракларда 600 дан ортиқ ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандлари шуғулланаётир.

«Навоийазот» ОАЖга қарашли «Ширин» маданият саройи моддий-техник базасини бойитиш учун корхона ҳисобидан 27 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги «Ўзметкомбинат» ОАЖнинг Муҳамедов номли, «Аммофос-Максам»ОАЖнинг «Кимёгар», «Максам-Чирчиқ» ОАЖга қарашли «Маданият саройи» унитар корхонаси, Бухоро вилоятидаги «Нефтчи» маданият саройларида ҳам ишчи-ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, таниқли санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Президентимиз айтганларидек, «...томирида миллий ғурур, ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин». Касаба уюшмалари томонидан 2014 йилда ташкил этилаётган ҳар бир маданий-маърифий тадбир ҳамда «Маънавият соатлари» ҳам одамларни маънавий юксакликка чорлашда, истиқлол берган кенг имкониятларни меҳнаткашлар онгига етказишда, энг муҳими, ёшларда миллий ғурур туйғуси, масъуллик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Бошланғич ташкилотларда

Андижон туманида фаолият юритаётган «RUBBER TRAST» хусусий корхонаси жамоаси учун 2013 йил омадли кечди. Корхона раҳбари Абдуҳошим Исмоилов «Ташаббус — 2013» Республика танловининг «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида ғолиб чиқиб, «Матиз» автомобили билан тақдирланди.

Рағбат – муваффақият калити

Муваффақиятлар шу билан чекланиб қолмади. Корхонада ишловчи хотин-қизларга яратилган қулай дам олиш ва меҳнат шароитлари, ишнинг тўғри ташкил этилгани яна бир карра эътироф этилди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг намунали бошланғич ташкилоти» танловида Фарида Абдуваҳобова бошчилигидаги хотин-қизлар ташкилоти республикада биринчи ўринни қўлга киритди.

Корхона ҳудудида ташкил этилган кўргазмалар залида эришилган ютуқлардан дарак берувчи фахрий ёрлиқлар ва бу ерда ишлаб чиқарилган 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар намунаси билан танишишингиз мумкин. Фахрий меҳмонлар китобида ўзбекистонлик йирик жамоат ташкилотлари етакчилари, сармоядорлардан тортиб, хорижлик ишбилармонларнинг дастхатигача бор.

Хўш, маҳсулотлари юртимиз бозорида харидоргир, қолаверса, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон каби мамлакатларга пешма-пеш экспорт қилинаётган корхона бунга қандай эришаётир. Раҳбар бунга жамоадаги муҳит, ишчи-ходимларга яратилган шароитлар муҳим омил бўлганлигини айтиб, бизни ичкарига бошлади.

Ҳамроҳларим вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Музаффар Азимхўжаев, Истеъмол товарлари ишлаб чиқиш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Одилжон Жалилов билан бирга ишчи-ходимларга яратилган шароитлар билан таниша бошладик.

Резина маҳсулотлари, пийма этик, калиш, турли резина пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 450 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади, уларнинг 250 нафари хотин-қизлар. Ҳудудга киришингиз билан атрофнинг саранжом-саришталигини кўриб, бу ерда ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилганига гувоҳ бўласиз. Ҳовлида мўъжазгина фаввора туфайли мўътадил ҳаволи дам олиш маскани эътиборингизни тортади. Унинг ортида 45 ўринли ошхона, аёллар гигиена хонаси жойлашган.

— Ишчи-ходимларимизга жамоа шартномаларида кўзда тутилган қулай дам олиш ва меҳнат шароитлари яратилган, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Хуршида Турғунова. — Улар бир маҳал иссиқ овқат, махсус кийим-бош, сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминланиб, келиб-кетишлари учун алоҳида автобус ажратилган. Жамоа шартномаларининг бажарилиши ва яратилган қулай шароитлар туфайли бизда ишлашни хоҳловчилар тобора ортиб бормоқда.

Табиийки, резина-чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда меҳнат шароитларини мунтазам назорат қилиш талаб этилади. 2013 йил ўтказилган аттестация жараёнларида 381 та иш ўрнининг 375 таси зарарли экани аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Бирлашма меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи М.Азимхўжаев амалга оширилган ишлардан қониқиш ҳосил қилди, шекилли, уларни жорий йилда ўтадиган «Энг яхши меҳнат муҳофазасини ташкил этган бошланғич ташкилот» кўрик-танловида қатнашишга таклиф этди.

— Баъзи кичик нуқсонларни бартараф этишса, танловда бемалол ғолибликка даъвогарлик қилишлари мумкин, — дейди у. — Чунки бундай қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари ҳамма корхонада ҳам мавжуд эмас.

Корхонада ишчи-ходимлар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўтган йил мобайнида 14 нафар ишчи-ходим турли сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтди. Ишловчиларнинг 12 нафар фарзанди ёзги дам олиш мавсумида оромгоҳларда дам олди.

— Соғлом бола йилида жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, дастурлар ижросини таъминлашни ният қилганмиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси. — Хотин-қизларга яратилган қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари, муносиб иш ҳақи оиладаги муҳитни яхшилаш, соғлом болалар тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Ниятимиз, жорий йилда янада юқорироқ марраларни эгаллаш.

Албатта, бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятига кўп нарса боғлиқ. Иш берувчи билан самарали ҳамкорлик, жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши иш унумдорлигининг ошишига, режаларнинг ўз вақтида бажарилишига хизмат қилади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

Яккасарой туман ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувда ўз ифодасини топган долзарб вазифалардан бири — «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Катта қизиқиш уйғотди

Унда туман ҳокимлиги, бошқармалар, йирик банкларнинг туман филиаллари, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари — Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Тиббиёт бирлашмаси, Давлат солиқ инспекцияси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат Фонди, Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид масалалар ҳақида гап борди. Иш жараёнида юзага келаётган айрим муаммолар ўртага ташланиб, уларни бартараф этиш борасида таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати мунозараларга бой, ҳар жиҳатдан самарали ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

***

Давра суҳбати Ҳамза туманида ҳам ташкил этилди.

Тадбир аввалида ҳоким ўринбосари Баҳром Валиев сўзга чиқиб, ўтган йилда туман ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2014 йилнинг устувор вазифаларига тўхталиб ўтди. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири И. Якубов жамоа шартномаси ва келишувларининг ўтган йилдаги ижроси, шунингдек, ҳозирда меҳнатга оид қонунларга риоя этилиши, корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муносабатлари билан боғлиқ қабул қилинаётган ички локал ҳужжатлар, меҳнат шартномалари тузишнинг намунавий шакллари, меҳнат дафтарчалари юритиш тартиби ҳақида муфассал тушунча берди.

Ҳамкор ташкилотлар вакиллари ўз соҳаларидан келиб чиққан ҳолда ютуқ ва камчиликларга эътиборни қаратишди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

***

«Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра суҳбати Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида ҳам ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

Фарғона шаҳридаги «Фар Самина нафосат» хусусий корхонасининг иш бошлаганига энди уч ой бўлди. Ички бозорда ўз харидорини топиш учун шу қисқа муддат корхонага кифоя қилди.

«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти филиали кўмагида замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозлаган корхонада 25 нафар хотин-қиз истеъмолчилар талабига мос йигирма турдан зиёд трикотаж маҳсулотлари тайёрламоқда. Буюртма асосида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Суратларда: корхонада иш жараёни; ишчи Маҳфуза Эминчаева.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган суратлар

Мукофотга мос шижоат

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Яқинда «General Motors Power Train Uzbekistan» мотор ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари билан тажриба алмашув ўтказилди, — дейди Олимжон. — Марказда турли хил саноат корхоналаридаги техник носозликларни чет эл мутахассисларини жалб этмаган ҳолда шу ернинг ўзида ҳал қилиш йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди. Мехатроника марказида ўқишдан бўш вақтимизда лойиҳаларимиз устида иш олиб борамиз ва ишланмаларимизни ҳаётга татбиқ этамиз. Ҳозирда марказимизда кўплаб инновацион лойиҳалар амалга оширилиб, амалиётда ўз ўрнини топиб бормоқда. Худди шундай лойиҳалардан бири, бу — муаллифлигимдаги овоз орқали масофадан бошқариладиган роботдир.

Дарвоқе, бу роботга овоз орқали турли топшириқлар бериб, унга ўрнатилган веб-камера ёрдамида бутун жараённи компютер мониторида кўриб туриш мумкин. Ҳозир дунёда овоз орқали бошқариладиган роботлар кўп, албатта. Улар турли товуш ёки буйруқлар орқали бошқарилади. Кўпинча бундай буйруқлар инглиз, немис, япон ва бошқа тилларда берилади. Бизнинг роботимиз эса она тилимиз, яъни ўзбек тилини ҳам «тушунади».

Ушбу роботнинг яна бир афзаллиги шундаки, ундан ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жойда фойдаланиш мумкин. Масалан, у йиғиш конвейерида захирадаги қисмларни йиғиш линиясига олиб кела олади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ўзига юклатилган бошқа операцияларни бажаради. Роботни қўллаш асосида саноатда, қурилишда, оғир юк билан ишлашда, қолаверса, инсон учун хавфли бўлган бошқа оғир ишларда инсон юмуши енгиллашади. Келажакда қаҳрамонимиз ушбу лойиҳани янада такомиллаштириш ниятида.

Бир сўз билан айтганда, О.Тўйчиевнинг изланувчанлиги ва ташкилотчилиги тенгдошларига ибрат бўлмоқда. Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши ҳамда Тошкент Турин политехника университети ҳамкорлигида ўтказилган «Ёш робототехниклар» танлови бунга бир мисол бўлиши мумкин.

Ҳа, бугуннинг ёшларига ҳавас қилса арзийди: билимли, дунёқараши кенг, қўлида ҳунари бор. Бу ютуқлар замирида эса, аввало, мамлакатимизда ёшлар учун яратиб берилган имконият ва шароитлар мужассамдир.

А.УМАРАЛИЕВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раис ўринбосари

Меҳнат муҳофазаси

Кўза кунида синади...

Қишнинг аёзли куни. Шуҳратжон нари-бери нонушта қилиб, ишга отланди. Дарвоза ҳатлаб кўчага чиқиши билан хотини Ҳилолахон ортидан қувиб етди:
— Ҳой, дадаси, мана бу иссиқ шарфни ўраб олинг. Яна шамоллаб қолманг.

Орадан уч соатча вақт ўтди. Дарвоза ёнига «Дамас» автомобили келиб тўхтади. Олд ўриндиқдан тушаётган турмуш ўртоғининг аҳволини кўриб Ҳилола қотиб қолди. Унинг ўнг қўли то билагигача оппоқ докада танғиб бўйнига осиб қўйилган эди.

— Вой ўлмасам, сизга нима бўлди, дадаси?

— Ҳечқиси йўқ, келин, тирноғи бироз зарарланибди. Ҳадемай, жароҳат битиб, кўрмагандек бўлиб кетади, — дея таскин берди Шуҳратжоннинг қўлтиғидан олиб, ичкарига бошлаётган корхона иш юритувчиси.

Оғриқ қолдирувчи уколлар таъсирини йўқотгач, дард яна ҳуруж қилди. Шуҳратжон тун бўйи оҳ-воҳ қилиб чиқди...

Кармана тумани Зарафшон фермерлар уюшмаси «Гурда» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳилола Рамазоновнинг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ёзган шикоят хати эса асл ҳолатни ойдинлаштирди. Унда ёзилишича, Шуҳрат Рамазонов тумандаги «Шамс Жамол» паррандачилик фермасида ойига 300 минг сўм маош эвазига ёлланма меҳнат билан шуғулланиб келган. У ўтган йили 8 декабр куни иш жараёнида тан жароҳати олган. Товуқларга озуқа майдаловчи қўлбола мослама генератори ишламай қолганда иш юритувчи унга генератор куйиб қолмаслиги учун тезроқ тасмани айлантиришни буюрган.

Шуҳрат жон-жаҳди билан ишга киришиб, мослама тасмасини айлантираётган паллада фалокат юз берди. Натижада, мослама бош бармоғини кесиб, қолган бармоқларини ғажиб юборди.

Шундан кейин 9 кун ўтсада, ферма мутасаддилари ўзларини ҳеч нарса бўлмагандек тутишди. Н-1 далолатномасини тузиш у ёқда турсин, жабрланувчига моддий ёки маънавий кўмак ҳам кўрсатилмади. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси аралашуви билан «ёпиқли қозон» остидаги ножоиз ҳаракатларга чек қўйилди. Жабрланувчи Ш.Рамазоновга қонунчиликда белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш «Шамс Жамол» фирмасига юклатилди.

Шундай ҳодиса 2013 йил 13 декабр куни Навоий шаҳар Гусев кўчасида жойлашган ИИБ ППХ ва ЖТСБга тегишли қурилиш объектида ҳам содир бўлди. Бунга Қизилтепа тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «Шарқ қурилиш сервис» МЧЖда юзага келган лоқайдлик сабаб бўлган. Янгидан қурилаётган ошхона биносида сувоқ ишларини бажараётган Нурмурод Очилов қўлбола ясалган ва омонат ўрнатилган баланд ёғоч ҳавозадан йиқилиб, мажруҳ бўлиб қолди. Вилоят марказий шифохонаси томонидан тақдим этилган тиббий хулосага кўра, ишчи Н.Очиловга «Чап болдир ички тўпиғининг бўлакланиб, ёпиқ синиб силжиши, чап ошиқ суяги ёпиқ синиб силжиши, чап пайининг орқага чиқиши» ташхиси қўйилди. Жабрланувчи Н.Очиловга ТМЭК томонидан ногиронлик гуруҳи тайинланганлик тўғрисида хулоса берилгандан кейин, бир йўла бериладиган бир йиллик ўртача иш ҳақи, шунингдек, оймаой бериладиган зарар тўловлари тўланди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш борасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораётир. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошланғич касаба уюшма ташкилотларида 1096 нафар вакил сайланди ва шундан 950 нафари ўқитилди. Вакиллар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 1850 та қонунбузарлик аниқланди ҳамда шундан 1680 таси муддатида бартараф этилди. Ўтган йил давомида бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ташаббускорлигида 12 та ўқув-семинар ташкил этилиб, 1300 нафар ходим иштирок этиши таъминланди. Бундан ташқари, 225 марта тизимга доир услубий-амалий ёрдам кўрсатилди. Шунга қарамасдан, касаба уюшмасига аъзо ва аъзо бўлмаган ташкилотларда ўтган йил давомида 11 та бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги кишини ўйга толдиради.

Ҳар бир ишловчига эркин ва хатарсиз меҳнат шароити яратилмоғи лозим. Унинг ҳаётини хавфга қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Чорибой ҚОДИРОВ,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири.
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Янги конлар юрт хизматида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қумқўрғонлик «қора олтин» изловчиларнинг бир гуруҳи Қашқадарё вилояти ҳудудида ҳам янги конларни излаб топиш ва бурғулаш ишларини давом эттирмоқдалар. Уларнинг тинимсиз изланишлари натижасида «Шимолий Шўртан-25» нефт кони топилиб, айни пайтда бу ердан нефт қазиб олинаяпти. Шунингдек, «Янги Қоратепа-15» газ кони аниқланиб, ҳозирда қудуқни эксплуатацияга топшириш учун бурғулаш ишлари олиб борилмоқда.

Янги технологияларнинг жорий этилиши иш унумдорлиги ошиши ва сарф-харажатлар камайишига олиб келди. Натижада, ҳар бир метр бурғулаш ишларининг қиймати режага нисбатан 306 минг сўмга арзонлашди.

Шу боисдан ҳам «Сурхон пармалаш ишлари» АЖ республикамиздаги иқтисодий бақувват корхоналардан бири ҳисобланади. Ўтган йили корхонанинг соф даромади 500 миллион сўмдан ошди. Ишлаб чиқаришдан олинган даромад иш берувчи ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан имзоланган жамоа шартномасига асосан ишчиларни рағбатлантириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, вахтада ишловчиларга қулай иш шароити яратишга сарфланмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ўртача иш ҳақи бир миллион сўмдан ортади.

— Жамиятимизда 394 нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходим хизмат қилади. Бурғулаш устаси Шокир Худойшукуров бошлиқ бригада жамоаси «Лалмикор-170» қудуғини лойиҳада белгиланган 64 иш куни ўрнига 43 иш кунида пармалаб, жамоамизнинг ютуғига салмоқли улуш қўшди, — дейди «Сурхон пармалаш ишлари» АЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Рашид Қаюмов.

Ўтган йили касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар учун уч марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, 14 нафар ёш мутахассис ишга қабул қилинди. Ҳозирда бу ёшлар малакали ишчилардан касб сирларини қунт билан ўрганишяпти.

Шунингдек, жамиятда касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. «Нефтчилар» МФЙда яшовчи 15 нафар аёл билан шартнома тузилган. Улар вахтада ишловчилар учун кўрпалар, чойшаб ва ёстиқ жилдлари, қўлқоплар тикмоқдалар.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Огоҳлик

Юнусобод туманида ўтган йили 208 та ёнғин содир бўлиб, халқ мулкига жиддий зарар етказди, янаям ачинарлиси, бир қанча инсонларнинг соғлигига путур етди. Уларнинг аксарияти турар жойларда келиб чиқаётгани фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга етарлича эътибор берилмаётганидан дарак беради.

Хавфсизлик қоидалари амал қилиш учун ёзилади

Мисол учун, 30 декабр куни Аҳроробод кўчасида жойлашган янги қурилаётган турар жой биносида полиэтилен билан ўралган хонада ностандарт электр иситиш мосламаси ёқиқ қолдирилиши натижасида ёнғин келиб чиққан. 10м² майдондаги жиҳозлар — диван, ўрин-кўрпалар, тез алангаланувчи қурилиш моллари куйиб кул бўлган. Хонадан чиқишга улгурмаган бир киши юқори даражадаги куйиш натижасида вафот этди.

Шунингдек, «Исломобод», «Янгиҳаёт» кўчаларидаги хонадонлар, туман ҳудудидаги кўп қаватли турар жой биноларида юзага келган ёнғинлар газ ва носоз электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлганлиги аниқланди.

Қиш ойларида иситиш тизимлари ва ускуналаридан тўғри фойдаланиш, аввало, ўзимиз ва яқинларимизнинг соғлиғи, не машаққатлар эвазига орттирган мол-мулкимизнинг хавфсизлигини таъминлайди. Шундай экан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни унутмайлик.

Ш.ХАЛИЛОВ,
Юнусобод тумани
ИИБ ЁХБ кичик инспектори

Мексикада аҳолини грипга қарши эмлаш ишлари кенгайтирилмоқда.

Мексикада грипп эпидемияси

Хабарларга қараганда, ҳозирга келиб 850 минг киши эмланган. Метро, аэропорт ва бошқа жамоат жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Мексика соғлиқни сақлаш вазирлигининг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган даврида 250 киши касаллик оқибатида ҳалок бўлган.

Грипга чалинганларнинг умумий сони 2,4 минг кишини ташкил қилмоқда, шулардан 2000 киши чўчқа (H1N1) гриппи билан касалланган.



АҚШнинг жанубий қисмида ҳукм сураётган совуқ ҳаво ва кучли қорбўрон уч мингга яқин авиарейсларнинг бекор қилинишига сабаб бўлди.

Совуқ ҳаво оқибатида

Ноқулай об-ҳаво шароити оқибатида Алабама, Миссисипи, Луизиана, Шимолий ва Жанубий Каролина ҳамда Жоржия штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Энг оғир ҳолат Алабама ва Жоржия штатларида кузатилди. 28 январ куни транспорт йўллари берк бўлгани сабабли 5 мингга яқин ўқувчи тунни мактабда ўтказишга мажбур бўлди.

28 соатдан бери йўлларда тирбандлик вужудга келган. Айрим ҳайдовчилар машинани қолдириб, энг яқин меҳмонхоналарга йўл олишди. Ҳозирда Жоржия штатида йўл транспорт ҳодисаси сабабли 100 киши жароҳатланган ва икки киши ҳалок бўлган.

Совуқ ҳаво мамлакатнинг ўрта-ғарбий қисмини эгаллаб олган. АҚШнинг 34 штатида ҳаво ҳарорати — 25 даражани кўрсатмоқда.

Олтой республикасининг Усть-Кокса тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Кокса дарёсига йўловчи автобуснинг қулаб тушиши оқибатида аёл киши ҳаётдан кўз юмган, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

Автобус дарёга қулаб тушди

Автобусда икки нафар ҳайдовчи ва 21 нафар йўловчи бўлган. 14 киши шифохонага жойлаштирилган. Улардан 8 нафари турли даражадаги жароҳат олган бўлса, 6 нафарини совуқ урган.

Тахминларга кўра, тезликни меъёридан ортиқ оширган Volvo VM10 русумли автобус ҳайдовчиси бошқарувни йўқотган. Аёлнинг жасади эса воқеа жойини қайта текшириш жараёнида топилган. ИИВ матбуот хизмати ҳайдовчи ҳушёр бўлганлигини айтмоқда.

Австралия жанубидаги Аделаида ҳайвонот боғида 1933 йилдан буён сақланаётган сайёрамиздаги энг кекса фламинго қушини ухлатиб қўйишди.

Энг кекса фламингога ором керак

84 ёшли Грейтер (инглизча қизил фламинго) исмли қушнинг ҳаёт кўрсаткичлари кейинги пайтда анча оғирлашди. Ветеринарлар унга ёрдам бериш учун барча чораларни қўллаб бўлишди.

Унинг шериги — Чилли исмли фламинго қуши ҳам 60 ёшда. Ветеринарлар Чиллининг бу йўқотишни қандай кўтаришини кузатиб боришмоқда. Грейтер нафақат энг кекса, балки Австралиядаги энг сўнгги қизил фламинго ҳисобланади.

Одатда ёввойи фламинголар қарийб 25 йил яшайди. Фақат қулай шароит ва яхши парвариш уларнинг умрини узайтириши мумкин, дея таъкидлашмоқда мутахассислар.

Интернет хабарлари асосида
Жавоҳир КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

Кимлар уруш қатнашчисига тенглаштирилган?

САВОЛ:

Президентимизнинг «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга уй-жой коммунал тўловларини тўлашлари учун иш жойидан ҳар ой энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида компенсация тўлови тўланиши белгилаб қўйилган. Мен Афғон уруши қатнашчисиман. Афғон уруши қатнашчилари Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига тенглаштирилган шахслар қаторига қўшиладими?

Бобонор БЎРИЕВ,
Жиззах тумани

ЖАВОБ:

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарорига биноан тасдиқланган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 1-иловасида Уруш қатнашчиларига тенглаштириладиган шахслар рўйхати келтирилган. Унга кўра, 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача Иккинчи жаҳон уруши ва бошқа урушлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган шартлар ва нормаларга кўра пенсия билан таъминланишга ҳақли уруш ногиронлари ҳисобланадилар.

Қуйидаги ногиронлар уруш ногиронларига тенглаштирилади:

а) собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар;

б) 1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача собиқ СССР ҳудудида ҳаракат қилган ҳамда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядларда хизмат қилган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

в) темир йўлларнинг фронт яқинидаги участкаларида ишлаган, мудофаа иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ҳамда Иккинчи жаҳон уруши даврида уруш бўлаётган жойларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ходимлар;

г) Иккинчи жаҳон уруши даврида партизан отрядлари ва қўшилмалари таркибида ёки яширин ишларда бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

д) ҳаракатдаги армия таркибидаги ишларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёлланган таркибдаги шахслар;

е) Иккинчи жаҳон уруши даврида фашист концлагерларида (гетто ва зўрлик билан тутиб туриладиган бошқа жойларда) бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар (тутқунлар, шу жумладан, болалар);

ж) тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида қатнашиш, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда байналмилал бурчларини адо этиш туфайли яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

з) ҳарбий хизматдаги вазифаларини (хизмат вазифаларини) бажариш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

и) ўқув машғулотлари ёки текшириш учун йиғинларга чақирилган ва шу йиғинларда ўз хизмат бурчларини бажараётиб яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий мажбуриятли шахслар.

Саволга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юристконсулти Д.МУҲАМЕДАЛИЕВА жавоб берди

Навоий шаҳридаги «Изумруд квант инвест» масъулияти чекланган жамияти 2011 йилда «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилояти филиали молиявий кўмагида замонавий иссиқхона барпо этган эди.

Ўсимлик тупроқда эмас, балки ердан кўтарилган мосламалардаги полиэтилен қопларга жойланган кокос дарахти пўстлоғида ўстириладиган мазкур иссиқхона 1 гектар майдонни эгаллаган. Айни вақтда бу ерда ўнга яқин ишчи 21 минг дона помидор кўчатини парваришламоқда. Ҳар туп помидордан 10 килограмгача ҳосил олинаётир.

Суратда: (чапдан) ишчилар Дилноза Очилова ва Насиба Эшпўлатова.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат

Матбуот марказида

Шарҳловчилик — масъул касб

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда «ОАВда шарҳловчилар минбари: муаммо ва ечимлар» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Депутатлар, ОАВларнинг сиёсий ва халқаро шарҳловчилари, Журналистлар ижодий уюшмаси қошидаги ижодий кенгашлар аъзолари, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети профессор-ўқитувчилари иштирок этган мулоқотда янги авлод шарҳловчиларини тарбиялаш, уларда дунё ва мамлакатимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан объектив баҳо бериш қобилиятини шакллантириш ва соҳада йиғилиб қолган қатор муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан фикр алмашилди.

Иштирокчилар ОАВдаги шарҳловчилар фаолияти, халқаро ҳаётга оид шарҳ ва таҳлилий материалларнинг сифати ҳақида тўхталиб, аксарият ОАВларда профессионал сиёсий шарҳловчилар фаолиятига эҳтиёж кучайганига, шарҳларни сон ва сифат жиҳатидан ошириш масалаларига эътибор қаратишди. Шу билан бирга, ўзбек шарҳловчилигининг ўз мактаби, аньаналари борлиги, ушбу мактаб вакилларининг чиқишлари ҳамиша халқимиз эътиборида бўлаётгани таъкидланди.

— Кейинги пайтларда майдонга отилиб чиқаётган, халқаро ва ички сиёсатнинг билимдони бўлган ёш шарҳловчиларни кам учратяпмиз, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сиёсий шарҳловчи Иброҳим Норматов. — Аксарият шарҳлар юзаки. Кўрилаётган масаланинг туб моҳиятига етиб бормайди. Бундан ташқари, шарҳловчиларимизда тезкорлик етишмайди. Шу ўринда, касбнинг ўзига хос машаққатлари соҳага кириб келаётган ёшларни чўчитишини ҳам эътироф этиш лозим. Зеро, сиёсий шарҳловчилик ўта кузатувчанлик, сезгирлик ва маҳоратни талаб қилади. Қалтис айтилган бир сўз давлатлар ўртасига совуқлик солиши мумкинлигини ҳам асло унутмаслик лозим. Бунда, аввало, миллий манфаат, холислик, сиёсатнинг ўзгарувчан эканлиги, воқеа-ҳодиса ортида турган кучлар ва уларнинг мақсадларини аниқлаб олиш позициясидан келиб чиқилса, ҳеч қачон хатога йўл қўйилмайди. Бугунги кун ўзбек журналистикаси, сиёсий шарҳловчилик мактаби устозлари олдида миллий манфаатни чуқур англаган янги авлодни шакллантириш вазифаси турибди. Бу борада журналистика факултетлари ўқитувчилари, устозлар жонбозлик кўрсатишлари лозим.

Шунингдек, тадбир доирасида мамлакатимиз ва халқаро ҳаётга оид сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамда адабий шарҳлар эълон қилиб бораётган Sharh.uz сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Билиб қўйган яхши

Мол-мулкка солинадиган солиқлар

Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар бўйича бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юқорида қайд этилган қарорга кўра, жорий йилнинг 1 январидан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,2 фоиз миқдорида белгиланди. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 квадрат метрдан 500 квадрат метргача бўлган турар жой ва квартираларга 1,4 фоиз, майдони 500 кв. метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 1,8 фоиз миқдорида белгиланди.

Жисмоний шахслар мол-мулкининг баҳолаш органлари томонидан белгиланган инвентаризация қиймати мавжуд бўлмаганда, солиқни ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18480, 0 минг сўм миқдорида, бошқа шаҳар ва қишлоқ жойларда эса 8030,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатга олувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматидан келиб чиқиб икки баравар миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар томонидан солиқ солинадиган объектлардан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда ёхуд уларни юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан турар жой фонди объектлари нотурар жой фонд тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотурар жой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича, яъни 2014 йилда 4,0 фоиз миқдорида тўланади.

Эътибор бериш лозимки, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади.

Ўктам АҲМЕДОВ,
Миробод туман ДСИ бошлиғи

Маънавият

Китоб инсоннинг фикр доирасини кенгайтириб, унга чексиз маънавий-руҳий озуқа беради. Буюк мутафаккир шоир Абдураҳмон Жомий шундай деган: «Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ ғамхўр йўқ».

Китоб ёғдуси

ҳамиша йўлимизни ёритиб турсин

Мактабимиз қошида ташкил қилинган ахборот-ресурс марказида 3475 та адабиёт мавжуд. Шундан 1300 таси бадиий китоблардир. Кутубхона ходимлари томонидан 2013-2014 ўқув йилида янги нашрдан чиққан бадиий адабиётлар кўргазмалари, маърифий тадбирлар, дарслик ва бадиий адабиётларни юритиш танловлари ташкил этилди. АРМ видеотекасидаги филмлар намойиши, шунингдек, ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Бунда «Йил кутубхоначиси» республика танлови қатнашчиси Ҳулкар Муродованинг хизмати катта.

Бундан беш йил аввал ўқув даргоҳимизда синф кутубхоналари ташкил этиш ташаббуси бошланиб, бу ҳозирда яхши самара бермоқда. Юқори синфларда она тили ва адабиёт, биология ҳамда математика фанларидан ташқари бадиий китоблар, расм ва фотосуратлар тўплаш ҳам намунали йўлга қўйилди. Ўқувчилар учун шаҳримизда етишиб чиққан таниқли инсонларнинг меҳнат фаолияти, ҳаёти ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказилади. Мен раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларидан Дилдора Абулқосимова, Диёр Ҳасанов ва Нодира Анваровалар ўтган ўқув йилида Жиззах шаҳар мактабларараро «Китоб марафони»да фаол иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллашди.

Ҳозирда синфимиз кутубхонасида юзга яқин бадиий адабиёт мавжуд бўлиб, йилдан-йилга бойитиб борилмоқда.

Кези келганда айтиш керакки, ҳатто маърифатли кишиларнинг ҳам китобга муносабати турлича бўларкан. Бир гал ҳамкасбим синфимиз кутубхонасидан бир неча бадиий китобни сўраб олди. Олдин унинг бадиий асар ўқиганини кўрмагандим. Қарангки, орадан бирикки ой ўтгач, уйига бориб китобларни зўрға қайтариб олдим. Яна баъзи «китобхон»лар борки, олган китобини умуман қайтаришни ҳам ўйламайди. Сўрасангиз: «Шунга шунчами, ўзи бир китоб бўлса...» дея энсаси қотади. Бундай кўнгилсиз ҳоллар баъзида ўқувчиларимиз орасида ҳам учраб туради. Биз бундай болалар билан алоҳида суҳбат ўтказиб, китобнинг қадри ҳақида тушунча берамиз.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатлари ва турли электрон оммавий ахборот воситалари китобхонни катта адабиётдан бироз бўлса-да узоқлаштираётгани сир эмас. Бироқ китоб улкан мўъжиза эканлигини шогирдларимизга вақтида англатиб боришимиз зарур. Негаки, кўп китоб ўқиган боланинг фикрлаш доираси кенг, зеҳни ўткир бўлиб, ҳаёт синовларига бардошли бўлади. Шу боис ҳар биримиз аввал фарзандимиз, қолаверса, шогирдларимиз қалбига китобхонлик чироғини ёқайлик, токи унинг ёғдуси ҳамиша йўлини ёритиб турсин.

Дилафрўз МЎМИНОВА,
Жиззах шаҳридаги
22-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

Шифокор маслаҳати

Ҳозирда Марказий поликлиникамизда эндокринологик касалликлар бўйича 464 нафар бемор ҳисобда туради. Уларнинг 285 нафари қандли диабетнинг II тури билан хасталанган бўлиб, шифокорлар назоратида туради. Касалликнинг ҳолатига қараб бепул дори-дармонлар – қондаги қанд миқдорини туширувчи препаратлар (таблеткалар) берилади. Касалликнинг I тури билан касалланган беморлар эса инсулин уколи қабул қилишади.

Қандли диабет

узлуксиз парҳезни тақозо этади

Поликлиникамиздаги кундузги стационарда зарур ҳолларда беморлар даволаш курсини олиш имконига эга.

Қандли диабет — сурункали гипергликемия ва глюкозуриянинг клиник синдроми бўлиб, мутлоқ ёки нисбий инсулин етишмовчилигига асосланади, моддалар алмашинувининг бузилишига, томирлар шикастланишига, нейропатия ва ҳар хил аъзо ҳамда тўқималарда патологик ўзгаришлар юз беришига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, ҳар 10-15 йилда касаллар сони икки мартага ошиб бормоқда. 10-11 фоиз аҳолида глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ) аниқланмоқда. Улардан 1-5 фоизида II турдаги қандли диабет ривожланмоқда.

Касалликнинг хавфли омилларига тўхтайдиган бўлсак, энг аввало, семизлик, инсулинга муҳтож бўлмаган қандли диабет учун хавфли омил анамнезида ҳомиладор қандли диабети, паст жисмоний фаоллик, овқат билан кўп миқдорда ёғ истеъмол қилиниши ҳисобланади. Касалликнинг наслдан наслга ўтиши ҳам бор. Глюкозага толерантликнинг бузилиши мавжуд одамларда қандли диабетга ва юрак-томир касалликларига юқори хавф бўлиши мумкин.

Касалликнинг наслий ва наслий бўлмаган шакллари фарқланади.

Дунё миқёсида ИМБКД (инсулинга муҳтож бўлмаган қандли диабет)да унинг хавф солувчи омиллари — семизлик, ёғ тарқалиши ва тана оғирлигининг юқори индекси; етарли бўлмаган жисмоний фаоллик; овқат таркибида асосан ҳайвон ёғларини кўп истеъмол қилиш; анамнезда оилавий диабет ҳисобланади.

Хусусан, ИМҚД (инсулинга муҳтож қандли диабет) аутоиммун касаллик ҳисобланиб, унинг олдини олиш учун иммунитетга таъсир кўрсатиш керак.

Касаллик асоратларини олдини олиш учун қондаги қанд миқдорини доимо назорат қилиб бориш лозим. Қонда қанд миқдорининг ошиши оғир асоратларга олиб келиши, улар баъзан бир неча йилдан сўнг юзага чиқиши мумкин. Бу асоратлар кечки асоратлар деб аталади ва кўз, асаб, буйрак, қон томирлар каби ҳаёт учун муҳим аъзолар ва тизимларни зарарлайди. Баъзан биринчи марта аниқланган қандли диабетда ҳам кечки асоратлар аниқланиши мумкин. Фақат қондаги қанд миқдорини меъёрлашишигина касалликнинг кечки асоратлари ривожланишининг олдини олади.

Қандли диабетнинг асоратлари борлигини аниқлаш учун тўлақонли текширувдан ўтиш даркор: шифокорингиз кўзлар ва оёқларингизни, буйраклар ва юрак фаолиятини текшириши, артериал қон босимини ўлчаши, қондаги холестерин миқдорини аниқлаши зарур.

Шунингдек, асаб тизимини текшириш ҳам шарт, чунки у зарарланганда диабетик нейропатия деб аталувчи асорат ривожланади. Унинг белгилари: оёқларда оғриқ, музлаш ва игна санчиш ҳисси, мушаклар бўшашиши, ўрнидан турганда бош айланиши ёки ҳушдан кетиш, зўриқиш бўлмаса ҳам юрак уриб кетиши, қайт қилиш, овқатланиш пайтида терлаш кабилар билан ифодаланади. Ўз вақтида даволаниш асаб тизими фаолияти ва ҳолатини тиклашга ёрдам беради.

Белгиланган дориларни қабул қилиш билан бирга, тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичмаслик, парҳезга риоя қилиш, жисмоний фаоллик даражасини ошириш диабетик нейропатияни олдини олишда жуда муҳимдир.

Шу каби текширувларда артериал қон босими ва тана вазнини доимо назорат қилиш, йилига 1-2 марта кўз тубини текширтириш, йилига 3-4 марта пешобда оқсил миқдорини текширтириш, йилига 1-2 марта ЭКГ ўтказиш ва кардиолог кўригидан ўтиш, оёқлар кўриги, йилига бир марта электронейромиографрия ўтказиб бориш лозим.

Юқоридаги кўрсатилганлар умумий тавсиялар бўлиб, уларни шифокорингиз билан муҳокама қилишингиз мақсадга мувофиқдир.

Гулчехра АБДУРАҲМОНОВА,
«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК
Марказий поликлиникаси олий тоифали
шифокори, эндокринолог

Мулоҳаза

Яхши-ёмонни ажратиш учун инсонга ақл берилган. Баъзан тил ақлга бўйсунмай, бировнинг кўнглини хира қилади. Бундай ҳолатларни ҳаётда кўп бора кузатганмиз, баъзан ўзимиз ҳам унинг қаҳрамонига айланганимиз рост. Қадр-қимматимиз, ҳурматимиз қай даражада эканлиги, ўзимизнинг қандай инсон эканлигимизни кўзгудек акс эттириб турувчи восита — тилимиздир. Кўкка кўтарувчи ҳам, ер билан битта қилувчи ҳам ўша забон.

Тилга эрк бермайлик

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний тил ва сўз одоби ҳақида шундай гўзал фикрларни билдирган:

«Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлиб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадурғон бўлмаса, асаларилар орасида ғўнғиллаб юрган қовоқари каби қуруқ қўнғилламоқ, фақат бош оғриғидан бошқа бир нарса эмасдир. Бошимизга келадурғон қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун «кўп ўйла, оз сўйла» демишлар».

Ҳа, ўз-ўзини енга олиш, тўғри фикрлаш ва чиройли сўзлаш осон эмас, албатта. Бунда ёшликдан берилган тарбия муҳим рол ўйнайди. Болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш, муомала тарбиясини шакллантириш бениҳоя зарур вазифа. Уларнинг кенг фикрлаши, тилининг юмшоқлиги, ширин сўзлиги муаллимнинг зийнати ва фикрий қувватига ҳам боғлиқ.

Сўзлаётганда эҳтиёткорликка риоя қилиш, тилимиз билан инсонлар меҳрини қозониш инсонийлик бурчимиздир. Шундай экан, ақлни чегаралаб, тилимизга эрк бермайлик.

Комила ҲАЙИТБОЕВА,
УрДУ филология ва
санъат факультети
3-босқич талабаси

КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

Бухоро шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида 1 минг 330 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Замонавий спорт зали, ахборот-ресурс маркази, фан ва спорт йўналишларидаги тўгараклар ёшлар билан доимо гавжум.

Суратда: Бухоро шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

2 феврал — Сув-ботқоқ ҳудудлар Бутунжаҳон куни

1971 йил 2 февралда Эроннинг Рамсар шаҳрида «Халқаро аҳамиятга эга бўлган, асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари ҳисобланган сув-ботқоқ ҳудудлар тўғрисида»ги глобал миқёсдаги халқаро Конвенция имзоланган эди.

Ноёб қушлар — табиат бойлиги

Ушбу сана олдидан Миллий матбуот марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Чинор» экологик ноширлик компанияси, Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти ҳамкорлигида «Ветландлар ва қишлоқ хўжалиги: ривожланиш мақсадларидаги ҳамкорлик» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда сувли-ботқоқли ҳудудлар, табиий ёки сунъий очиқ сув ҳавзалари, яъни ветландларда биохилма-хилликни сақлаш масалалари таҳлил этилди.

Маълумки, ноёб қушларнинг аксарият қисми сув ҳавзаларида, ботқоқлик ҳудудларида яшаб кўпаяди, биохилма-хиллиги жиҳатидан бекаму кўст бўлган табиат масканлари бағрида макон қуради. Бинобарин, ҳудудда қўним топган қушларни ўрганиш воситасида ўша ҳудуднинг биохилма-хиллик ҳолатини аниқлаш мумкин.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатимиздаги сув ҳавзалари нафақат чучук сув манбалари, рекреация ва туризмнинг истиқболли объектлари, балки ҳудуднинг иқлим шароити барқарорлигини сақлаб қолувчи, у ерда яшаётган муқим ҳамда кўчиб юрувчи қушлар учун қулай қўнимгоҳ бўлиб хизмат қилишини, шу сабабдан бундай ҳудудларнинг табиий мувозанатини сақлаш жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Мамлакатимизда муҳофаза этиладиган Қорақалпоғистон Республикасидаги «Жолдирбас», «Акпетки», «Сариқамиш», «Судочи» кўлларида қушларнинг 230 тури, Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидаги «Оқсой» ва «Рогатое» кўлларида 300 га яқин тури, Хоразм балиқ хўжалиги, Янгиариқ ва Боғот туманларидаги кўлларда 140 тури, Бухоро вилоятидаги «Қорақир», «Тўдакўл», «Зекри», «Қуйимозор», «Аякагитма» кўлларида 230 дан зиёд тури, «Денгизкўл»да 133 тури, Навоий ва Жиззах вилоятларидаги «Айдар-Арнасой» кўллар тизими ҳудудида 230 дан ортиқ тури учрайди. Ҳозирда сув-ботқоқли ҳудудлар биохилма-хиллигини сақлаш, қишлоқ хўжалигининг бундай ҳудудлар табиий мувозанатига салбий таъсирларини камайтириш мақсадида жойларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, республикамиздаги иккита сув ҳавзаси халқаро Рамсар рўйхатига киритилган. Келгусида яна иккита сув ҳавзаси ушбу рўйхатга киритилиши кўзда тутилмоқда. Кенг жамоатчилик, қушларни муҳофаза қилиш йўналишида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ва талабалар учун қатор қўлланмалар ва маълумотномалар нашр этилмоқда. Яқинда Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан соҳа мутахассислари учун махсус жамланма чоп этилди.

Тадбир иштирокчиларига мазкур ўқув қўлланма ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Жамиятимиз 2007 йилда рўйхатга олинган. Бугунги кунда 300 дан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатади, — дейди Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти ижрочи директори Роман Кашкаров. — Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида учта филиалимиз, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Нукус, Бухоро шаҳарларидаги нуфузли университетларда бешта талабалар клубимиз мавжуд. Жамоамиз томонидан ҳудудларимиздаги ноёб, Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган қушларни муҳофаза қилиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу кунгача бир неча бор Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган грант маблағларни қўлга киритдик. Бу маблағлар ёрдамида муҳофаза этилаётган сув ҳавзалари ва ботқоқли ҳудудларда қўним топган ноёб қушларни асраш ва кўпайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан Биологик хилма-хиллик ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича ўқув материаллари тўплами тақдим этилди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Реклама ва эълонлар

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2014 йилда 4 март куни соат 11.00 да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ кузатув кенгашининг 2013 йил 17 декабрдаги 27-сонли йиғилиш баёни қарорига ҳамда ОАЖ «Ўзбекистон почтаси» Хоразм филиалининг 2014 йил 30 январдаги 29-35-11-01/134-сонли хатига асосан Урганч шаҳар П.Маҳмуд кучаси 23-уйда сақланаётган ОАЖ «Ўзбекистон почтаси» Хоразм филиали балансида бўлган таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситаларини қўймоқда:

1. 1996 йилда ишлаб чиқарилган «DAMAS» русумли давлат белгиси 90 319 ЕАА бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 8 000 000 сўм.

2. 1996 йилда ишлаб чиқарилган «DAMAS» русумли давлат белгиси 90 413 ЕАА бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 8 000 000 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2014 йил 4 мартдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 7, 11 ва 14-март кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

— юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, **«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ** ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Ҳисоб рақами 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: +99862-226-88-87, +99891-422-88-87.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г – 218 | 22290 nusxada bosildi | 1 2 3 4